




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ
УМУМИЙ ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

**“ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСИ:
ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МУАММО
ВА ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ**



**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ «КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ
НАРОДОВ ЕВРАЗИИ: СОВРЕМЕННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И МЕТОДЫ
ИЗУЧЕНИЯ»**



Жиззах – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
JIZZAKH STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY**

**“ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСИ:
ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МУАММО ВА ЎРГАНИШ
УСУЛЛАРИ”
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ «КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ НАРОДОВ
ЕВРАЗИИ: СОВРЕМЕННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ПРОБЛЕМЫ И МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ»**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
“ON THE TOPIC ‘CULTURAL HERITAGE OF EURASIAN
PEOPLES: MODERN RESEARCH, PROBLEMS AND
LEARNING METHODS”**

www.jspu.uz

**ДЖИЗАК, УЗБЕКИСТАН
20 октябрь 2022**

«Евроосиё халқлари маданият мероси: замонавий тадқиқотлар, муаммо ва ўрганиш усуллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм). – Жиззах, 2022. – 332 б.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар тарих, археология ва этнология соҳаларининг муҳим масалалари билан боғлиқ ҳолда талқин қилинган. Мутахассислар, ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

В статьях вошедшие в этот сборник, интерпретируются в связи с важными вопросами истории, археологии и этнологии. Она предназначена для специалистов, преподавателей и студентов.

These articles included in this collection are interpreted in connection with important issues of history, archeology and ethnology. It is intended for professionals, teachers and students.

Масъул муҳаррир:
доц. М.Х.Пардаев

Ответственный редактор
доц. М.Х.Пардаев

Executive editor
doc.M.H.Pardaev

Масъул котиб:
Б.Н.Мирзаев

Ответственный секретар
Б.Н.Мирзаев

Executive Secretary
B.N.Mirzaev

Таҳрир хайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial board:

*акад. А.А. Асқаров,
акад. А.С. Сағдуллаев,
проф. Б.Х.Матбобоев,
проф. Н.Ў. Холматов,
доц. А.Х. Пардаев,
доц. Ф.Э. Тошбоев,
доц. Ж.И.Ғофуров,
А.Х.Валиев,
Н.И.Каримова*

*акад. А.А.Асқаров,
акад. А.С. Сағдуллаев,
проф. Б.Х.Матбобоев,
проф. Н.У. Халматов,
доц. А.Х. Пардаев,
доц. Ф.Э.Ташбаев,
доц. Ж.И.Гафуров,
А.Х.Валиев,
Н.И.Каримова*

*acad. A.A. Askarov,
acad. A.S.Sagdullaev,
prof. B.H.Matboboev,
prof. N.O.Kholmatov,
doc. A.H. Pardaev,
doc. F.E. Toshboev,
doc. J.I.G`ofurov,
A.X.Valiev,
N.I.Karimova*

Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари Жиззах давлат педагогика университети илмий-техник Кенгашининг 2022 йил 22 октябр 9-сонли йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

Маърузалар материалларида ёритилган тарихий жараёнлар, маълумотлар ва чиқарилган хулосаларнинг ҳаққонийлигига муаллифлар жавобгар.

промышленности в Туркестане М., 1926 С.43.

¹⁷ Туркестанские ведомости. 1908. 151-сон

¹⁸ Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. Л.1925 С.15.

¹⁹ Сафаров Г.И. Конолиальная революция (опыт Туркестана) – М.1921. С.35

²⁰ П.Г. Голузо Туркистон колония. Очерг истории Туркестана от зовоевания руками до революции 1917 года М.,1929

²¹ Мустафо Чўқай Ўғли. Туркистон советлар ҳокимиятида (протеларият диктотураси тавсифига доир) Париж,-Ёш Туркистон.1935, Ўша муаллиф истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари) Т. Гафур Гулом нашриёти 1992.

²² Аҳмад Заки Валидий. Бугунги турк эли (Туркистон ва яқин тарих) Истанбул 1981 2-нашр, ўша муаллиф. Хотиралар. “Шарқ юлдузи”, 1993 йил 4,5,6,7,8,9 сонлари ва бошқалар.

²³ Валидий Аҳмад Заки. Туркистон масаласи. Берлин 1924; Рус мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади. Вена-1929; Профессор Б.Қосимов таржимаси

²⁴ Ловрентев Вл. Капитализм в Туркистане (Буржасная коланизация Средней Азии) – М: Изд. Ком. Академия, 1930

²⁵ Севастианов И. Хлопководство и хлопковая пиромышленост Туркестана – М.1921 С.45

²⁶ Жемчужников Н.Н. Движение на Восток. К вопросам переселения, земле устройства и колонизации, - М. 1927. С.35.

²⁷ Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики (Под.ред. А.Асаткина) – Т, Изд. ЦСНХ,1921. С.134.

ТУРКИСТОНЛИК ИСТИҚЛОЛЧИЛИК КУРАШИ ВАКИЛЛАРИ (ҚЎРБОШИЛАР) НИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ МУХОЖИРЛИГИ ҲАҚИДА (XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИ)

Ҳ.Э. НОРҚЎЧҚАРОВ, таянч докторант, БухДУ

Аннотация: Ушбу мақола XX аср 20-йилларида совет иттифоқининг тарихимизга нисбатан мафкуравий ёндошуви туфайли “босмачилик” ҳаракати вакиллари сифатида қораланган аслида эса бутун Туркистон ҳудудини большевик босқинчиларидан озод қилиш учун курашган қўрбошилар ва уларга эргашган истиқлолчилик кураши вакилларининг Афғонистонга мухожирлиги тарихига бағишланган.

Калит сўзлар: мухожир, сиёсий мухожир, ўзбек, ижтимоий таркиб, миллат, этник таркиб.

Аннотация: Данная статья посвящена истории эмиграции в Афганистан воинов, сражавшихся за освобождение всего Туркестанского края от большевистских захватчиков и осужденных как представителей «печатного» движения в 20-е годы XX века, в связи с Идеологический подход Советского Союза к нашей истории.

Ключевые слова: иммигрант, политэмигрант, узбек, социальный состав, нация, этнический состав.

Annotation: This article is devoted to the history of the emigration to Afghanistan of the soldiers who fought to liberate the entire Turkestan region from the Bolshevik invaders and who were condemned as representatives of the

"printing" movement in the 1920s, due to the Soviet Union's ideological approach to our history.

Keywords: immigrant, political immigrant, uzbek, social composition, nation, ethnic composition.

XIX асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлиги қўшинлари ва халқининг Чор Россияси босқини ва мустамлакачилигига қарши кураш даври ҳисобланади. Бу даврда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлакага айлантирилган бўлса, Қўқон хонлиги бутунлай тугатилиб, ўрнига Скобелев вилояти ташкил этилган ва уларни назоратда ушлаш учун эса маркази ҳозирги Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги тузилган эди. 1917 йили Подшо Россиясида подшо ҳукумати кулади ва курашлардан сўнг большевиклар бошқаруви ўрнатилди. Большевиклар ҳокимияти ҳам чор ҳукумати мустамлака қилган ҳудудларга мустақиллик беришни истамасди. Бу йўлда улар ҳарбий ҳаракатлар ва қуроллар, мустамлакалардаги демократик қараш тарафдорларидан ҳам фойдаланишга уринди.

1920 йилнинг кузида Бухородаги амирлик бошқарувиغا асосланган монархия тартиби қизил армия босқини оқибатида тугатилди. Бухоронинг сўнгги амири, ҳукмдор Амир Саййид Олимхон 1921 йил 4 мартда Панж дарёсининг Чубек ирмоғи орқали Афғонистонга ўтганди. Амир Олимхон қўшни давлатга ўтаётганида нафақат бек ва аъёнлари, балки минг-минглаб оддий халқ вакиллари ҳам унга эргашганлар. 1921 йилда Бухорони тарк этган амир ортидан 250 минг киши ёки 50 минг оила Афғонистонга муҳожирликка ўтди [16,Б.21]. Амир ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” номли хотира китобида қўшни давлатга ўзининг беш юз нафар бек ва аъёнлари билан бирга Кобулга борганлигини таъкидлайди. Амир Олимхон Рустоқ-Қатағон йўли орқали Кобулга етиб келганди. Юз минглаб ўзбек, тожик, туркманлар Балх, Мозори Шариф, Журжон, Фароб, Саманган, Хонобод, Қундуз, Тоҳар, Бадахшон, Қобул, Қандаҳор, Ҳирот, Пактиё, Нангарҳор вилоятлари бўйлаб тарқалиб кетди [13,Б.30]. 1923 йил ёзида БХСР ҳукуматининг қарори билан амир Саййид Олимхоннинг оналари Тўраойим, Шамсияойим, Тўтиойим, қизлари Хосиятой, Саодатой, завжалари Муҳаррамойим, Мушаррафойим, Мубаракойим, Хурсандойим, амакилари Мир Муҳаммад Сиддиқ Музаффархон ўғли, Мир Носир Музаффархон ўғли, Мир Абдул Азимхон Музаффархон ўғли, синглиси Шохой, туққан онаси Давлат Бахт ва бошқа яқин қариндошлари ўз ихтиёрларига кўра Афғонистонга юборилди [13,Б.30]. Амир Олимхон совет ҳокимиятининг талаби билан уй қамоғида сақланган, айниқса, “Ёш афғонийлар” ҳукумати даврида афғон-совет муносабатлари ва ўзаро дипломатик алоқалар яхши бўлганлиги учун амир Фатух қалъасидан чиққан тақдирда ҳам Кобулдан 11 км узоқликдаги масофага бориши мумкин эмасди. ... 1925 йил ўрталарида амир Афғонистон ҳукуматидан 14 минг

рупий маош олиб турарди [1,Б.99]. Амир умрининг охиригача ушбу Фатух қалъасида яшаган [15,Б.32]. Амир Олимхон ҳаёт йўлини кузатсак унинг 23 йиллик умри муҳожирликда, ўзга юртда ўтганлигини кўрамыз. Бухоро ҳукмдори Афғонистонда яшаган даврида Омонуллахон (1919-1929 йиллар), Бачаи Сақо (1929 йил, январь - октябрь), Нодиршоҳ (1929-1933 йиллар), Муҳаммад Зоҳиршоҳ (1933-1973) кабилар афғон ҳукмдорлари бўлишган.

Зоҳиршоҳ амир ва унинг тарафдорларидан тинч, сиёсий жараёнларга аралашмай юришни талаб қилди[15,Б.35]. Амир Олимхон умрининг охиригача Афғонистонда яшади. Афғон ўзбеклари ва совет даври ўзбек сиёсий муҳожирлари орасида обрў-эътибори ва мавқеи баланд бўлган. Туркистон озодлик ҳаракатида мағлубиятга учраб Афғонистонда муҳожир бўлиб яшаётган кўрбошилар, (Фузайл Маҳсум, Шермуҳаммадбек, Иброҳимбек Лақай ва бошқалар); БХСР ҳукумати раҳбарлик органларида ишлаб оқибатда муҳожир бўлган ўзбеклар (Ҳошим Шайх Ёқубов, А.Муҳиддинов, Усмонхўжа Пўлатхўжаев) ҳам амир ҳузурида бўлиб у билан учрашиб туришган. Афғонистондаги ўзбеклар орасида обрў эътибор ва мавқега эга бўлган диний уламолардан Мубашширхон ат-Таррозий, Муфти Садриддинхон, Маҳмудхон Тўра кабилар билан амир мулоқотда бўлган. [13,Б.32]. Амир сиёсий мавқеини йўқотган бўлсада у билан айни бир пайтда инглиз ва совет айғоқчилик идоралари қизиқишган. Оға Муҳаммад исмли “Доривор” лақабли инглиз жосуси онаси билан бирга амир боғида яшаб Англияга амир ва унинг оиласи ҳақида маълумот бериб турган. ... Амирнинг Қобулдаги Фотух боғида Нарзулла исмли шахс яшаб, чой қайнатиб берувчилик хизматида бўлган. У ҳар куни амир олдига кимлар келиб кетганлигини инглизларга етказиб, улардан бир ойда 600 кольдер олиб турган[13,Б.34]. Советларнинг махсус сиёсий идораси ОГПУ (Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси бўлиб 1923-1934 йилларда фаолят олиб борган) ходими Ғ.Оғабеков (Г.Артюнов асл миллати арман) 1925 йилнинг ёзида афғон ҳукумати идорасида ишлаган, советларга айғоқчилик қилган. Унинг мақсади нифоқ солиш орқали Шермуҳаммадбек кўли билан Амир Олимхонни йўқотишни режалаштирган. ... Шермуҳаммадбекдаги ақл-идрок туфайли советларнинг ушбу қора мақсади амалга ошмади[13,Б.37-38]. Тадқиқотчи Н.Назаров Амир Олимхон билан бирга келганларнинг бир қисми Бухорога қайтганлигини, яна бир қисми Шарқ мамлакатларига тарқалиб кетганлигини, 1927-1928 йилларга келиб Олимхоннинг атрофида ўнтача одам қолганлигини таъкидлайди[19,Б.317]. Бухоро манғитларининг сўнгги ҳукмдори Амир Саййид Олимхон 1944 йил 28 апрелда ҳаётдан кўз юмди. Амирнинг мақбараси Қобул шаҳри теварагидаги “Шоҳидони ислом” (“Ислом шаҳидлари”) қабристонидан жойлашган[17,Б.20-21].

Бухорода амир ҳокимияти ағдариб ташланган дастлабки ҳафталардаёқ мамлакатнинг ғарбий, марказий ва шарқий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва большевиклар зулмига қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Бухородаги истиқлолчилар сафида халқнинг барча

табақаларига мансуб кишилар бор эди. Дехқонлар ва хунармандлар қўрбошилар дасталаридаги йигитларнинг асосини ташкил қиларди. Ҳаракатнинг етакчилари бўлган қўрбошилар ҳам фақат катта бой ва йирик дин арбоблари бўлмасдан, улар орасида зиёлилар, турли касб эгалари талайгина эди. Ҳаракат сафида ўзбеклар ва тожиклар билан бир қаторда туриб, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ҳам курашдилар. Ўнлаб турк ва бошқирд, шунингдек, татар зобитлари ҳамда маслаҳатчилари қўрбоши дасталарида бўлиб, йигитларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказишди, уларга замонавий қурол-аслаҳалардан фойдаланиш йўлларини ўргатишди. Бухоро мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун қизил армияга қарши кураш олиб борган истиқлолчилар ўз ғоя ва мақсадларини очиқ баён этганлар. Улар адолатли кураш йўлигакирганликларига тўла амин эдилар[12,Б.17]. Ушбу Ватан озодлиги учун курашган истиқлолчилик ҳаракати вакиллари узоқ вақт давомида совет даври адабиётларида “босмачилик” ҳаракати сифатида салбий образ билан омухталаштирилди. Аслида ҳаракат раҳбарлари ва етакчилари қўрбоши [18,Б.413] лар ҳисобланган. Уларнинг совет режимига қарши кураши даврида жангларда мағлубиятга учраган ёки чекинган қўрбоши дасталарининг кўпчилиги қайта қўшин ва қўрол-яроғ тўплаш мақсадида қўшни давлатларга ўтиб кетишган. Жумладан, уларнинг аксарият кўпчилиги Афғонистондан паноҳ излашган. Бунга асосий сабаб диний ва этник муштараклик омиллари билан бирга Ҳиндистондаги инглизлардан кўмак олиш ҳам мақсад қилинган.

Тарихчи олим Ш.Ҳайитовнинг маълумотига кўра, 1918-1922 йилларда “босмачи” йўлбошчилари билан Афғонистон чегарасидан ўтган 1 миллион атрофидаги туркистонликлар ушбу мамлакат ҳудудлари бўйлаб тарқалиб кетдилар[1,Б.100]. Қўрбошиларнинг истиқлолчилик ҳаракатлари бутун Туркистон минтақаси бўйлаб ёйилган эди. Бухородаги қўрбошилар орасида сўзсиз Иброҳимбек алоҳида ажралиб туради. У Шарқий Бухородаги ўзбекларнинг лақай уруғидан бўлиб, дастлаб Ҳисор беги хузурида қилган хизматлари эвазига 1919 йил “қоровулбеги” даражасига, кейинчалик Саййид Олимхон томонидан “девонбеги”, “тўпчибоши” ва “лашкарбоши” лавозимларига кўтарилган. Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги қўрбошилар гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб (Анвар Пошо ва Салим Пошо Шарқий Бухорога келган давр бундан мустасно), босқинчи қизил армия ва коммунистик режимга қарши озодлик байроғини кўтарди. Иброҳимбек қўрбоши 1920-1921 йилларда қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, қизил аскарларга қарши мувоффақият қозонгандан сўнг, 1921 йил бошларида Саййид Олимхон Иброҳимбек Девонбегини Бухородаги бутун қўшинларига Олий бош қўмондон қилиб тайинлайди. Амир Саййид Олимхон ўз мемуарида Иброҳимбек ҳақида қуйидаги фикрларни ҳам ёзган эди: “... Иброҳимбек етти йил давомида большевикларга қарши мусулмон халқи ва бу банди оғир оғир деб уруш қилди, жанг асносида қаҳрамонликлар кўрсатиб, уларнинг

якунларидан мени хабардор этиб турди”. Иброҳимбек бошчилигида қўрбошиларнинг кўплаб қурултойлари чақирилди. Масалан, ҳисорда 1924 йил 31 декабрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг қурултойида Иброҳимбек Шарқий Бухорода ҳаракат қилаётган бутун дасталарни ягона қўмондонлик остида бирлаштириш ва уларнинг фаолиятини ошириш тўғрисида, қўрбоши дасталари тузиш ва уларнинг жанг қилиш усуллари, аҳоли билан муносабатлари хусусида махсус кўрсатмалар берди. Туркистонда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, совет Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Шарқий Бухоронинг деярли барча қисми Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССР таркибига ўтди. 1925-1926 йилларида Иброҳимбек қўрбоши Тожикистон ва Ўзбекистоннинг асосан тоғлик вилоятларида ўз қурашини давом эттирди. Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб, Шарқий Бухорода вазият тубдан ўзгарган эди. Туркистон фронтининг 1926 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ҳарбий округининг катта миқдордаги кучлари Иброҳимбекка қарши ташлангач, у 1926 йил 21 июнда кескин жанглардан сўнг, Афғонистон давлатига ўтиб кетди. [12,Б.31-36]. Иброҳимбек 1926-1927 йилларда Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда Бухоро амири Саййид Олимхоннинг қароргоҳида яшайди. Саййид Олимхоннинг ёзишича, “унинг кундалик ҳаражати учун Афғонистон давлати тарафидан ҳар ойига беш юз эллик қобулий рупяси тайин этилади” [12,Б.36-37]. Афғонистон ўзбеклари ва Иброҳимбек ҳақида бир неча китоб ва мақолалар муаллифи Насириддин Назаров Амир Саййид Олимхон Иброҳимбекни ўз қалъасида қолишини таклиф қилиб, ўзининг ҳисобидан ҳам бир минг беш юз рупия ойлик тайинлаганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Иброҳимбекнинг қавми ҳамда кўп сонли йигитлари Қундуз минтақасидаги Алиобод (Айлобод)га йиғилганлиги сабабли, Иброҳимбекнинг илтимоси асосида Афғонистон ҳукмдори Омонуллахон томонидан Алиободнинг юқорисида Лоламайдон қишлоғининг тепа қисмидан Иброҳимбек қавми ва йигитларига 16900 жариб[20,Б.66] лалми ва тоғлик ердан ажратиб беради. Ушбу тўрт минг гектарли майдон “Шикоргоҳи лақайҳо” деб номланиб, у ернинг асосий қисми тоғлик бўлгани учун Иброҳимбекнинг йигитлари овчилик қилишади. ...1929 йил Иброҳимбек шимолга келгач, маълум муддат ушбу ҳудудда истиқомат қилади[10,Б.66]. Н.Назаров Иброҳимбек ҳақидаги китобида у билан Афғонистонга ўтган бошқа қўрбошилар ва бўлинма бошлиқлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтиш билан бирга, Афғонистонлик маҳаллий ўзбек ва тожиклар Иброҳимбек ихтиёрига йигирма бешта қўрбоши ва юзлаб йигитларни жўнатганлигини айтиб ўтади ҳамда ушбу қўрбошиларни бирма-бир тавсифлайди[19,Б.333-338]. Иброҳимбекнинг Афғонистондаги фаолиятини қисқача таҳлил қиламиз. 1928 йил Афғонистонда амир Омонуллахон (ҳукм.йил. 1919-1929 йй.)га қаршиғалаёнлар кучайиб кетди. Бу исёнга Кобул атрофидаги тожик дехқон оиласида туғилган, афғон армиясининг собиқ офитсери Ҳабибуллохон – Бачаи Саққо раҳбарлик қилди. 1929 йил 18 январда асосан дехқонлардан иборат Ҳабибуллонинг

отряды Кобулни эгаллайди. Ҳабибуллохон Афғонистон амири деб эълон қилинади (1929 йил январь-октябрь). 1928 йил охирларида Иброҳимбек Кобулдан жўнаб, Шимолий Афғонистонга келиб, ўз мавқеини мустақамлай бошлайди. Бу ҳудуд азалдан туркий халқларнинг юрти бўлиб, асосан ўзбек, туркман ва тожиклар яшар эди. Иброҳимбек билан туркман муҳожирларининг бошлиғи Ҳалифа Эшон ўртасида ўзаро иттифоқ тузилгач, унинг обрўси жуда ошиб кетади [12, Б.37-41]. Муҳаммад Нодиршоҳ (ҳукмронлик йиллари: 1929-1933 йй.) ҳукумати билан курашлардан сўнг Иброҳимбек Қатағон ва Бадахшон ҳудудларида афғон режими тугатилганлигини ва мустақил ўзбек ва тожик давлатлари тузилганлигини эълон қилади [9, Б.12]. Афғонистон ҳукмдори Нодиршоҳ (ҳукмронлик йиллари: 1929-1933 йй.) ҳукумати ҳарбий вазири Шоҳ Маҳмудхонга Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар исёнини бостиришга фармон берди. У 1930-1931 йил қишида ... Иброҳимбек билан шиддатли жанг қилади [4, Б.116]. Шу ўринда айтиш мумкинки, собиқ СССР қўшинлари шу даврда икки марта Афғонистон чегарасини кесиб ўтади. Дастлаб, Омонуллохон ҳокимиятини сақлаб қолиш учун унга қарши кучлар ҳисобланган Ҳабибуллохон (Бачаи Саққо) ва асосийси, унинг иттифоқчилари Ҳалифа Эшон ва Иброҳимбекга қарши курашиш мақсадида, иккинчи марта 1930 йил июн ойида тўғридан-тўғри Иброҳимбекнинг Алиободдаги қароргоҳига ҳарбий хужум уюштиришди. Натижада, бунга жавобан 1931 йил бошларидан Иброҳимбек ўз ҳаракатини фаоллаштириб, муҳожирларнинг тарқоқ кучларини яна бирлаштирди. 1931 йил мартда Иброҳимбек ва бошқа кўрбоши дасталари СССР чегарасидан ўтиб, Ватан тупроғига қадам қўйдилар. Совет аскарлари билан Иброҳимбек бошчилигидаги кўрбоши дасталари ўртасидаги тинимсиз давом этган жанглардан сўнг, кучлар нотенглиги сабабли 1931 йил 12 июнда Окбоштоғда сўнгги ва шиддатли маҳорабада у яраландива Боботокқа чекинди. 1931 йил 23 июнда ОГПУ қўшинлари 10-отлиқлар полки 2-дивизиони жангчилари ва совет чекистлари томонидан Иброҳимбек ярадор ҳолда қўлга олинди [12, Б.37-41]. Иброҳимбекни зудлик билан аввал Сталинобод (ҳозирги Душанбе), сўнгра эса Тошкентга олиб келинди. Чекистлар томонидан ўтказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар ҳам Иброҳимбекнинг маънавий иродасини бука олмади. 1932 йил март ойида бўлган суд жараёнида у манфур совет режимига қарши узоқ давр мобайнида мардонавор кураш олиб борганлигини мағрурлик билан таъкидлайди. Истиқлолчиларнинг сўнгги йирик йўлбошчиси Иброҳимбек Чақабой ўғли ҳарбий трибунал ҳукми билан 1932 йил 31 августда қатл қилинди [12, Б.41].

Иброҳимбек тимсоли нафақат туркистонликлар учун истиқлолчилик ва озодлик курашчиси балки Афғонистонда ҳам туркий халқлар бирлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб, муайян муддатда туркий халқлар, жумладан ўзбек этносининг ўзлигини англашда муҳим ўрин тутган.

Ғарбий Бухоро (Бухоро, Кармана ва Нурота вилоятлари) даги

истиклолчиларнинг сардори бўлган Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) ҳам кўзга кўринган йирик кўрбоши бўлган[12,Б.51]. Кўрбоши Мулла Абдулқаҳҳор асосан Бухоро тупроғида босқинчи душманларга қарши кураш олиб боради ва афғон ҳокимяти вакиллари билан муаммоли вазиятда бўлмайди. Мулла Абдулқаҳҳор дастлаб Саййид Олимхон билан Афғонистонга ўтади, аммо бир озвақтдан кейин қизил армияга қарши курашиш мақсадида Бухорога қайтиб ўтади. Бу ҳақда Амир Саййид Олимхон ўзининг хотира мемуарида Мулла Абдулқаҳҳор учун алоҳида бўлимни бағишлайди ва қуйидаги фикрларни билдиради: “Мулло Абдулқаҳҳор доруссалтана Қобулдан бу банданинг рухсати билан Бухоро ва унинг туманлари атрофида фидокор мужоҳидларга раҳбарлик қилиб, аскарлар орасида тартиб-интизом ўрнатгач, у Гиждувон туманини озод қилиш ниятида душман устига бостириб борди, шу билан Гиждувон туманини душман кўлидан қутқарди ва уни ўзтасарруфига киргазди” [21,Б.15]. Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида Бухоро ва Карманадаги ўнлаб кўрбоши дасталарини бирлаштирди. ...Саййид Олимхон ўз хотираларида ёзишича, “йигирма беш минг нафардан ортиқроқ жамоа” Мулла Абдулқаҳҳор раҳбарлигида тўпланди. Мулла Абдулқаҳҳор тўрт йиллик истиклол жангларидан сўнг 1924 йилнинг охирида Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилди[12,Б.51-53]. Фузайл Махсум (Махдум) Қоратегин беги сифатида уч йил давомида Фарм ва Қоратегин минтақасини болшевиклардан ҳимоя қилди. Анвар Пошо билан бирга Шарқий Бухорода ҳарбий амалиётлар олиб боради. [19,Б.361-363] Унинг ўлиmidан сўнг Иброҳимбекнинг асосий ўринбосари бўлган Фузайл Махсум (Махдум) қўл остида 26 та кўрбоши дасталари ҳаракат қилган. [12,Б.53-54] 1923 йил Фарм қизил аскарлар томонидан эгаллангач, ўз укаси Саъдод Махсум билан Афғонистонга ўтиб кетади[19,Б.361]. Бироқ Афғонистондан Шарқий Бухоро ҳудудига бир неча марта қайтиб, қизил аскарларга кескин зарбалар берди. Хусусан, унинг 1929 йил апрел-май ойларида Дарвоз ва Фармни ишғол қилиши совет режимини жуда катта таҳликага қўйди. Фузайл Махсум (Махдум) ҳозирги Тожикистон тупроғида совет армиясига қарши жангларда 30-йилларнинг бошларигача иштирок қилди. Кейин эса у Афғонистонга бутунлай муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлади[12,Б.54]. Аммо Афғонистонда Нодирхон ҳукумати муҳожирларга, айниқса уларнинг пешволарига ижобий муносабатда эмаслиги боис, Фузайл Махсум (Махдум) бир неча одамлари билан Ҳиндистоннинг мусулмонлар яшайдиган ҳудудига (бугунги Покистон) ўтиб, у ерда тадбиркорлик билан шуғулланади. Ҳаж зиёратини адо этиб, ўз одамлари билан Хитой Туркистонига ўтади. XX аср 30-йилларининг ўрталарида Кошғарда болшевиклар томонидан қўлга олиниб, ўлимга ҳукм этилади[19,Б.363].

Ўрта Осиё ҳудудидасовет қизил армия кўшинларига қарши миллий озодлик ҳаракати шунчалик кенг кулоч ёздики, бу ҳаракат таркибида ҳатто аёл кўрбошилар ҳам бўлган. Бухоролик Нодира қиз улардан бири

ҳисобланиб, Карманада Мулла Раҳматуллабой хонадонида туғилиб, саводли шу билан бирга чавондозлик ва тирандозлик каби ҳарбий жанг санъати турларини ҳам пухта ўрганиб улғайди. 1923 йил қизил аскарлар Нодиранинг қишлоғига бостириб кириб, унинг икки акасини ўлдиришади. 1925 йил ўз оиласи билан Афғонистонга йўл олади. Саййид Мансур Олимий “Бухоро – Туркистон бешиги” асарида гувоҳлик беришича, Нодира қиз Иброҳимбек қўшинидаги махсус аёллар дастасига раҳбарлик қилган. Нодира қиз дастаси қизил аскарлар юрагига ғулғула солган. 1931 йил Иброҳимбек СССР ҳудудига кирганида унинг қўшини сафида Нодира қиз ҳам бўлган. Афсуски, унинг кейинги тақдири ҳозиргача номаълум[12,Б.55-56].

Истиқлолчилик кураши даврида қаттиқ жанглардан сўнг қўшни Афғонистонҳудудига ўтган ёки Ватанга яна қайтиб ўтиб курашни давом эттирган кўплаб кўрбошилар ҳақида маълумот келтиришимиз мумкин. Шулардан бири Шарқий Бухородаги Қабадиён беклигидан, ўзбекнинг қўнғиротэлатидан бўлган Ўтанбек ҳисобланади. У асосан Шарқий Бухоро ҳудудларида кўрбоши дасталарига раҳбарлик қилиб, большевикларга қарши мувоффақиятли ҳарбий амалиёт олиб борган. Иброҳимбек томонидан юксак эъзозланиб, Қабадиён, Шаҳритуз, Жарқўрғон, Термиз йўналиши бўйлаб Афғонистон билан чегара ҳудуди назорати Ўтанбек зиммасида эди. Ўтанбек Афғонистондаги ҳарбий амалиётларда ҳам Иброҳимбекнинг ёнида бўлиб, жасурлиги ҳамда ҳарбий тактикасининг устунлиги боис Иброҳимбекнинг мувоффақиятларини таъминлаб турган[19,Б.353-356]. Иброҳимбек озодлик курашини давом эттириш учун СССР ҳудудига ўтгач, Афғонистондаги муҳожирларга Нодиршоҳ ҳукумати томонидан ўтказилаётган тазйиқларига қарши ҳаракатларда асосий курашчи кўрбоши гуруҳларининг йўлбошчисига айланди. Ўтанбек гуруҳи 1931 йил ёз ва куз мавсуми давомида бир неча бор афғон қуроли гуруҳлари, улар томонидаги (таркибидаги) ҳазоралар қуроли гуруҳи билан тўқнашади. Шунингдек, афғон ҳукумати томонига ўтган туркманлар билан ҳам жанглар олиб боради. 1931 йил ноябр-декабр ойларида Афғон ҳукумати томонидан Ўтанбекка қарши курашаётган барча қуроли гуруҳлар ягона қўмондонликка бирлаштирилиб, жанговар амалиётлар фаоллаштирилади. ... Бир қатор жанглардан сўнг, Ўтанбек афғонлар томонидан қўлга олиниб қатл этирилади[19,Б.353-356]. Сурхон воҳасидаги кўрбоши дасталарининг етакчиси Хуррамбек ҳам большевикларга қарши мардонавор курашади. Дастлаб, унинг Иброҳимбек билан муносабатлари яхши бўлмади. Аммо амир Саййид Олимхон ўз вакили Бекбой Қоровулбеги ёрдамида кўрбошилар ўртасидаги ихтилофларни бартараф қилишга ва энг аввало Иброҳимбек билан Хуррамбек орасидаги келишмовчиликни йўқотишга муваффақ бўлади. XX асрнинг 20-йиллари ўрталарига келиб, Хуррамбек ҳам Афғонистон ҳудудига ўтиб кетади[12,Б.35-36]. Балжувон беклигида юксак мавқега эга бўлган Абдуқаюм Парвоначи Улаев лақайлардан иборат дастлабки қуроли гуруҳни тузган ва Иброҳимбек унга йигит сифатида

кирган. У Иброҳимбекнинг қайнатаси ҳисобланиб, жанглarning бирида жароҳат олгач қўшинга бошчилик қилишни куёвига топширади. Соғайгач, Иброҳимбекка маслаҳатчи сифатида қатор масъул лавозимларда мураккаб амалиётларни бошқарган. Абдуқаюм Парвоначи Афғонистонда ҳам Иброҳимбек билан бирга бўлиб, Советлар ҳудудига ўтгач, Балжувондаги Ҳисор лақайларининг бошлиғи этиб тайинланади. Афғонистондан қайтган муҳожир оилаларининг жазоланишининг олдини олиш учун советлар билан келишиш имконини қидираётган бир пайтда чекистлар томонидан қўлга олинади. 1932 йилнинг августида ҳарбий трибунал томонидан Иброҳимбек билан биргаликда Тошкент шаҳрида отишга ҳукм қилинади[19,Б.343-344].

Самарқандлик Исахон Эшон Иброҳимбекнинг пири ҳамда ғоявий раҳнамози сифатида ҳарбий жараёнларда асосий мавқени эгаллаган. Шарқий Бухоро ҳудудигаги болшевикларга қарши сиёсий ва қуроли ҳаракатларда фаол қўрбоши бўлганлиги сабабли бир неча бор советлар томонидан қўлга олиниб қамоққа ташланади. XX аср 20-йиллари иккинчи ярмида Афғонистонга ўтиб кетади. Афғонистонда Иброҳимбек тайинлови билан қўрбоши ва ҳоким вазифаларида фаолият юритади. Ватанга қайтгач қўрбоши сифатида курашни давом эттириб, Иброҳимбекнинг ўринбосари этиб ҳам тайинланади. 1931 йилнинг ёзида Иброҳимбекнинг даъвати асосида қизилларга таслим бўлиб, 1932 йилнинг августида ўн олтилар сафида Тошкент шаҳрида отибташланади[19,Б.347-348]. Н.Назаров Иброҳимбек гуруҳида ва ундан алоҳида ҳолда ҳам Афғонистонда ҳам собиқ амирлик ҳудудида болшевикларга қарши истиқлолчилик курашини олиб борган қирқдан ортиқ қўрбошилар ва ҳарбий йўлбошчилар ҳақида маълумотларни келтиради. Жумладан, Эгамберди Ботир, Иброҳим Умбаров (Ибройим галли), Алимардон Додхоҳ, Кўген тўқсоба Шералиев, Алет додхоҳ, Ортиқ додхоҳ, Эрназар козоқ, Кўганбек Кенжаев, Тошмат додхоҳ, Қорабой, Абдуқодир Иноқ, Мулла Ниёз Парвоначи, Халиуллин, Мулла Жўра, Турдиназар, Мулла Аҳмед бий, Бойназар додхоҳ, Шоҳасан, Мирза Садриддин, Мирза Солиҳ Иноқ, Мулла Райимқул, Аннақул, Равшан Сарихонов ва яна кўплаб шахслар фаолияти ёритилади[19,Б.335-353].

Шунингдек, тадқиқотчи Афғонистонлик маҳаллий ўзбек ва тожиклар ҳам ўзларининг этногенетик яқинлиги жиҳатидан келиб чиқиб, муҳожир ўзбеклар билан ижобий муносабатда бўлишга ҳаракат қилган. Хусусан, маҳаллий ўзбеклар Иброҳимбек қўшинига ҳарбий жиҳатдан ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашда катта ёрдам берганлигини таъкидлайди. Маҳаллий ўзбек ва тожиклар Иброҳимбек ихтиёрига йигирма бешта қўрбоши ва юзлаб йигитларини жўнатганлигини айтиб, уларнинг йирикрок кучга эга ўн еттитасини номма-ном йигитларининг сони билан санаб ўтади. Жумладан, Мулла Имомқул – катағонлардан, Ишкашимдан, 400 йигити бўлган; Рустам Ботир – ўзбекнинг моғал уруғидан, Толиқондан, 400 йигити бўлган; Арзиқул – ўзбекнинг қанғли уриғидан, Мозори –Шариф атрофидаги Айбекдан, 300 йигити бўлган; Мулла Латиф – катағонлардан, Норин

атрофидаги Жибирбулоқдан, 200 йигити бўлган; Мулла Султон – қатағонлардан, Сиятдан, 150 йигити бўлган; Шақул Хўжа – тожиклардан, Норин атрофидаги Чулулдан, 100 йигити бўлган; мулла Абдусамат – қатағонлардан, Бангидан, 100 йигити бўлган; Халмамет – қатағонлардан, Толиқон атрофидан, 100 йигити бўлган; Мулла Абдушукур – қатағонлардан, Толиқондан, 100 йигити бўлган; Ақмурат – қатағонлардан, Рустокдан, 100 йигити бўлган; Имомназар полвон – ўзбекнинг моғал уриғидан, Бадахшондан, 100 йигити бўлган; Мулла Имамяр – ўзбекнинг қанғли уруғидан; Мозори-Шариф атрофидаги Даламдан, 100 йигити бўлган; Мулла Абдукарим - ўзбекнинг қанғли уруғидан; Мозори-Шариф атрофидаги Қорабўйиндан, 100 йигити бўлган; Мандарачи – тожик, Ишкашим атрофидаги Ширдан, 100 йигити бўлган; Бобои Ниҳолбанд - тожик, Толиқондан, 100 йигити бўлган; Бўри – қатағонлардан, Ҳазорқоқдан, 50 йигити бўлган; Ҳолмухаммед – қатағонлардан, Жибирбулоқдан, 50 йигити бўлган[19,Б.333-334]. Шунингдек, Иброҳимбекнинг Афғонистондан Совет ҳудудига ўтишида Чаёбда Арзикул ва Бобои Ниҳолбанд ўзларининг беш юзтача йигитлари билан Афғонистон ҳудудида қоладилар[19,Б.358].

Бухородаги истиқлолчилик курашларида кўрбошилар бошчилигида нафақат туркистонликлар озодлик учун кураш олиб борган балки Туркия, Бошқирдистон, Кавказ каби бошқа ҳудудлардан ҳам ҳарбий ва сиёсий етакчиларқуролли ҳаракатларда иштирок этишди. Улардан энг машҳури туркиялик Анвар Пошо ҳисобланади.

Туркия, Македония, Кавказ, Германия ва Россиядаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашган Анвар Пошо 1921 йил октябрида Бухоро шаҳрига келганида унинг олдида икки: Бухородаги истиқлолчилар қаторига ўтиб, бу ҳаракатни бошқариш, яъни совет режимига ошқора қарши чиқиш ёки Афғонистонга яширин равишда ўтиб кетиш йўллари турган эди - деб таъкидлайди тадқиқотчи олим Қаҳрамон Ражабов[12,Б.41-51].

Кўришимиз мумкинки Анвар Пошо биринчи йўлни танлади ва истиқлолчиларнинг етакчисига айланиб, Туркистон озодлиги учун курашди ҳамда ушбу озодлик йўлида жон фидо қилиб туркистонликлар қалбида мангуа қолди. Анвар Пошо Афғонистонга муҳожирликка ўтмаган бўлсада, бироқ болшевикларга қарши олиб борган кураши бевосита Афғонистонда муҳожирликда бўлган Амир Саййид Олимхон ва афғон ҳукумати билан боғлиқлик жиҳатларга ега эди. Анвар Пошо босқинчиларга қарши курашга киришиш учун Шарқий Бухорога келганининг дастлабки кунларидан бу ердаги кўрбошилар етакчиси Иброҳимбек буйруғи билан айрим сабабларга кўра (Бу ҳақда қаранг: Н.Назаровнинг “Муҳаммад Иброҳимбек Лақай” номли китобида сабаблар батафсил келтирилган[19,Б.45-48]) тутқунликда сақланади. Бухоро амири Саййид Олимхон ва Афғонистон амири Омонуллахон ҳамда Бухоро республикаси ҳарбий қисмларининг қаттиқ талабларидан кейин, Иброҳимбек чамаси бир ойча тутқунликда ётган Анвар Пошони озод қилади[12,Б.76]. Анвар Пошони озод қилинишини талаб

қилиш учун келган бухоролик Аҳмадбек – Саййид Олимхоннинг элчиси, Нурулло афғон – Афғонистон амири Омонуллахон вакиллари[22,Б.212], Олимхон ва Омонуллахон томонидан Пошони Кобулга таклиф қилувчи хат келтирадилар. Анвар Пошо бундай таклифни рад этади ва асосий мақсади Туркистон тупроғида большевикларга қарши курашиш эканлигини билдиради[19,Б.47-49].1921 йил декабр ойининг охирларидан бошлаб, Анвар Пошо Шарқий Бухородаги кўрбоши дасталарига раҳбарлик қилишни ўз қўлига олди[12,Б.77]. Анвар Пошо истиқлолчиларнинг жанговар кучини оширди. У Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этди ва уни турк зобитлари билан мустаҳкамлади, ғарбча қўмондонлик услубини жорий этди. БутунТуркистон ҳудудида совет режими ва қизил армияга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирди. Анвар Пошо кўрсатмаси билан Бухоро, Фарғона, Хоразм кўрбошларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди[12,Б.49]. Анвар Пошо бошчилигида Шарқий Бухородаги Иброҳимбек (Анвар Пошо ва Иброҳимбек ўртасидаги баъзи чигал муносабатлар тўлиқ барҳам топмасида)ва бошқа барча кўрбошилар бирлашдилар. 1922 йил февралда икки ойлик ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Душанбе большевиклардан қайтариб олинди. Бундан ташқари бутун Шарқий Бухоронинг катта қисми устидан (большевикларнинг Бойсун ва Термиз гарнизонларидан ташқари) назорат ўрнатилди. Анвар Пошонинг Шарқий Бухородаги ғалабаларидан руҳланган Саййид Олимхон 1922 йил 22 мартда ёзган мактубида уни “Бухородаги бутун қўшинларининг Олий бош қўмондони ” қилиб тайинлайди. Бу мактубни 28 мартда Анвар Пошонинг ўзи Саййид Олимхон вакиллари билан қабул қилиб олади[12,Б.86].

Шуни таъкидлаш лозимки, Анвар Пошо давридагина Афғонистондан бухоролик истиқлолчилар учун қурол-яроғ, хатто афғон сарбозларидан иборат гуруҳлар жўнатилди. Бухоро амири Саййид Олимхон ва афғон амири Омонуллахон Анвар Пошо орқали Туркистондаги истиқлолчи дасталар билан доимий алоқани йўлга қўйиб туради[12,Б.50]. Ҳатто амир Омонуллахон 1922 йил июлида яна бир бор Анвар Пошони Афғонистонга чорловчи нома жўнатади ва бу сафар ҳам рад жавобини олади[19,Б.60-61].

Шундай қилиб, Анвар Пошо 1922 йил 4 август жума куни Қурбон Ҳайити байрамининг иккинчи кунда Балжувон яқинида қизил аскарлар билан бўлган жангда ўлдирилди. Анвар Пошонинг ўлими ҳақидаги хабар бутун Туркистон ўлкасига яшин тезлигида тарқалди ва уни дафн этиш маросимида, айтишларича, қачонлардир Анвар Пошо билан бирга туриб курашган 25 минг кишидан ҳам кўп халқ тўпланди[12,Б.50].

Туркистонлик кўрбошилар билан бирга совет босқинчиларига қарши курашга қўшилган яна бир турк зобити Салим Пошо ҳисобланади. Тадқиқотчи Н.Назаровнинг келтиришича Салим Пошо Бухоро республикаси МИК раиси Усмон Хўжа билан бирга фаолият олиб бораётган

бўлиб, Анвар Пошо келгач у билан 1921 йилнинг ноябрида Шарқий Бухорога ўтиб большевикларга қарши ҳарбий курашларда фаол иштирок этади. Анвар Пошо вафотидан олдинроқ Афғонистонга ўтиб кетади[19,Б.67]. Анвар Пошо ҳалок бўлгач, большевикларга қарши қуролли амалиётларга раҳбарлик қилиш мақсадида 1922 йил сентябр ойининг ўрталарида яна Шарқий Бухорога қайтади. Анвар Пошога садоқати зўр кўрбоши Фузайл Махдумнинг сай-ҳаракатлари билан Қоратегинда бўлиб ўтган кўрбошиларнинг навбатдаги қурултойида Салим Пошо Шарқий Бухоро истиклолчиларининг Олий бош қўмондони деб тан олинади [12,Б.127].Аммо шундан сўнг Салим Пошонинг Олий бош қўмондон сифатида амалга оширган баъзи ишлари маҳаллий кўрбоши дасталари ва халққа маъқул келмайди (Бу ҳақда қаранг: Н.Назаровнинг “Муҳаммад Иброҳимбек Лақай” номли китобида сабаблари батафсил келтирилган[19,Б.68-71]). Шундай бўлсада1923 йил февралда Салим Пошонинг Шўрёнбошида деярли барча кўрбошилар иштирокида ўтган қурултойда кўрбоши дасталарининг ҳужум ҳаракати режаси ишлаб чиқилди. БироқСалим Пошо бошчилигидаги гуруҳларнинг Бухорога юриши Ғузур-Қарши йўналишида советлар қўшинидан мағлубиятга учрагач, кўрбошилар ва аскарларнинг асосий қисми Салим Пошо гуруҳидан ажралиб кетади [19,Б.70]).1923 йил ёз-куз фаслларида муҳолифатчилар Шарқий Бухорода бўлган жангларда мағлубиятга учрашди. Бир қатор мувоффақиятсиз жанглардан сўнг, Салим Пошо 1923 йил 15 июлдаПанж дарёсидаги Хирможой кечувидан Афғонистонга ўтиб кетади. Совет ҳукуматининг катъий талаби билан Афғонистон маъмурияти Салим Пошони ўз давлати ҳудудидан чиқариб, уни Эронга жўнатади. Валидийнинг ёзишича, Салим Пошо Эрон орқали Туркияга келди ва ўз юртида савдасотиқ билан шуғулланиб, фабрика очади. Аммо Салим Пошо 1927 йили Туркияда ўлдирилади [12,Б.134]. Бухорода ўша даврдаги сиёсий курашнингмарказида турган сиймолардан бири Туркистон халқларининг миллий истиклоли учун фаол курашган, асли бошқирд миллати вакили(Бошқирдистон миллий ҳукуматининг собиқ раиси) Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970 йй.) ҳисобланади. Валидий 1920 йил декабридан то 1921 йил ноябригача Бухоро шахрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиклолчилик ҳаракатини ягона марказга уюштириш учун катта ишларни қилди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа, Абдулқодир Муиддинов биланўз режаларини маслаҳатлашади. ...Бухорода 1921 йил 2-5 августда бўлган Миллий бирлик конгрессида Валидий раислигида “Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси” (кейинчалик Туркистон Миллий бирлиги номи билан машҳур бўлган уюшма) тузилди. Миллий бирликнинг программаси Валидий раҳбарлигида ҳали 1921 йилнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган эди. ... Валидийнинг ўзи Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор кўрбошиларнинг қараргоҳида бўлди, уларни умумий душманга

қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди, ўзаро тотувликка чорлади. Валидий шароит мажбур қилганда қизил аскарлар билан жангга кирди, ўз қўли билан бир қанча босқинчиларни ўлдирди[12,Б.23-25]. Профессор Ш.Хайитовнинг маълумотга кўра, “Туркистон миллий бирлиги” ташкилотини тузган бошқирд миллати вакили Закий Валидий Тўғон (1890-1970) совет ҳукумати томонидан таъқибга олингандан сўнг, 1921 йил 8 ноябрда Бухоронинг Мохи-Хоссасида Ф.Хўжаев билан учрашади. Ф.Хўжаев уни бўлажак хавф-хатардан огоҳ қилиб, Афғонистон худудига ўтиб олиши учун собиқ амир отхонасидаги энг учқур отлардан беради. Ушбу отлар билан З.В.Тўғон ва унинг ёрдамчиси Афғонистон худудига омон-эсон ўтиб олади. З.В.Тўғон Афғонистондан Туркияга кўчиб ўтиб, умрининг охиригача ушбу мамлакатда яшади ва илмий тадқиқотлар билан машғул бўлди.

1923 йил июнь ойида Москвада миллий республикалар ва вилоят раҳбарлари иштирокида РКП (б) МКнинг махфий 4-мажлиси бўлади. Ф.Хўжаев мажлисда бухоро Республикаси номидан сўзга чиққан пайтда И.В.Сталин унга: Валидов қаерда? –деб савол беради. Ф.Хўжаев: Валидов Ўрта Осиёнинг у еридан бу ерига чопиб юрибди, Бухорода, Тошкентда, Хоразмда. У босмачиларнинг раҳбарларидан бири: - деб жавоб беради. Аслида А.З.Валидий Тўғон хорижга чиқиб кетишга улгурганидан, чет эл(Туркия)да яшаётганидан ҳукумат раҳбари яхши хабардор эди[5,Б.98-99].

Туркистон тарихининг кейинчалик теран тадқиқотчисига айланган Валидий ўз хотираларида истиқлолчилар ва уларнинг раҳбарлари “элни таловчи, босқинчи” эмасликларини, балки ўз “Ватанига содик, фидойи, дунё ахволдан воқиф кишилар” эканликларини яққол кўрсатиб берган [12,Б.23-25]. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири бу шубҳасиз Шермуҳаммадбек (1893-1970) ҳисобланади. Шермуҳаммадбек Қўшоқбойхожи ўғли (совет даври манбаларида “Кўршермат”) Фарғона водийсидаги Тошлоқ туманининг Гарбува қишлоғида таваллуд топган. У Туркистон озодлиги учун курашларда фаол иштирок этди: 1921 йилнинг август ойида ўтказилган совет ҳукумати вакиллари билан музокараларда Туркистондаги 1-армия қўмондони Г.В.Зиновьевга қарата Шермуҳаммадбек: “Хуррият истаймиз, истиқлол истаймиз, бизни холи қолдиришингизни истаймиз” – деб жавоб қилган эди[13,Б.34]. 1920 йил 3 майда Фарғона водийсидаги бутун кўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллариининг Олтиариқдаги курултойида Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти ёхуд Туркистон Муваққат ҳукумати тузилди. Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси бўлиш билан бирга водийдаги бутун истиқлолчилар қўшинининг Олий бош қўмондони қилиб ҳам сайланди. ... Аммо Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон Муваққат ҳукумати 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетишга мажбур бўлди[8,Б.137-143]. Бироқ омонсиз жангларда қизил аскарлардан мағлубиятга учраган Шермуҳаммад кўрбоши 1923 йилнинг бошларида тирик қолган 500 тача

йигитлари билан кўшни Афғонистон давлати худудига ўтишга мажбур бўлди. Ушбу даврдан бошлаб, Шермухаммад кўрбошининг салкам еллик йиллик мухожирликдаги ҳаёт йўли бошланди. У Афғонистонга укаси Нурмухаммадбек билан бирга ўтади. ... Афғонистонга ўтган Шермухаммадбек дастлаб Бадахшонга, сўнгра Хонабодга боради. Хонабодда Шермухаммадбекни қаршилаш учун афғон амири Омонуллахоннинг топшириғи билан Афғонистон ички ишлар нозири Хайруллабек келган. Хайруллабек таклифи билан Афғонистон пойтахти Кобулга йўл олган Шермухаммадбек Бадахшондаги йигитларига укаси Нурмухаммадбекни, Хонабоддаги ҳарбий қисмларига Мулла Хотам кўрбошини қолдиради. Кобулда Туркиянинг Афғонистондаги элчиси Фаҳри Пошо, Афғонистон ҳукумати бошлиғи Маҳмудбек Тарзи (1868-1943 йй.) лар билан учрашган. Маҳмудбек Тарзининг Шермухаммадбекни шахсан қабул қилиши Туркистонлик кўрбоши афғон ҳукумати раҳбарлари олдида катта мавқега эга эканлигидан далолат беради. ...Шермухаммадбек 1923 йил бошларида Туркистондаги истиклолчилик курашини давом эттириш учун инглизлардан ҳарбий ёрдам олиш мақсадида Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига боради. Аммо инглизлардан рад жавобини олгач, ўзининг 140 нафар аскарлари билан маълум вақт Пешаворда яшайди. 1924 йил 17 мартада Кобулга қайтган Шермухаммадбекдан афғон ҳукумати ўзи ва йигитларидан қурол-яроғларини топширишни талаб қилади. Афғонистон ҳукумати Шермухаммадбекка 500 афғон рупийси миқдоридан ойлик нафақа белгилайди, ҳамда Кобулдан 40 км узоқликдаги масофада чиқишни таъқиқлаб қўяди[13,Б.34-40]. 1920 йилларда советларнинг махсус сиёсий идораси ОГПУ[23] Афғонистондаги мухожир ўзбеклар орасига нифоқ солиш усули орқали ўз рақибларини йўқотиш чораларини кўради. ОГПУ ходими Ғ.Оғабеков (Ғ.Артюнов - асл миллати арман)нинг айғоқчилик ҳаракатлари орқали Афғонистондаги туркистонлик мухожирларнинг етакчилари бўлган Шермухаммадбек ва Амир Олимхон ўртасига нифоқ солиб, Шермухаммадбекнинг қўли билан Амир Олимхонни йўқ қилишга ҳаракат қилади. Аммо Шермухаммадбекдаги ақл-идрок туфайли ушбу қора мақсади амалга ошмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларига қадар ака-ука Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбеклар Кобул шаҳри яқинидаги Чорикорда деҳқончилик билан машғул бўлишган.

Иккинчи жаҳон урушининг бошларида Афғонистондаги мухожирлар етакчилари диний уламо Саййид Мубаширхон Таррозий, Муфтий Садриддинхон, Шермухаммадбек ва унинг укаси Нурмухаммадбеклар бошчилигида Кобулда мухожир ўзбекларнинг “Ватанни озод қилиш” махфий ташкилоти тузилди. Ушбу ташкилотга фашистларнинг таъсири бўлганлиги туфайли СССРнинг тазиқи натижасида 1943 йилда Афғонистон ҳукумати “Ватанни озод қилиш” махфий ташкилотининг барча раҳбарларини қамоққа олди. Жумладан, Шермухаммадбек ҳам Саййид

Мубаширхон билан бирга Кобулдаги ҳибсхонада 1948 йилга қадар сақланган.

1948-1952 йилларда Афғонистондан Туркияга 90 оилага яқин туркистонликлар кўчган. Улар орасида Шермухаммадбеклар оиласи ҳам бор эди. Улар Покистон, Ҳиндистон, Сурия, Эрон орқали Туркияга етиб келдилар. Шермухаммадалар оиласи Туркиянинг ўзбеклар зич яшайдиган Адана шаҳридан паноҳ топишган ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди[13,Б.34-41].Шермухаммадбек 1970 йил 10 мартда, укаси Нурмухаммадбек эса 1983 йил 10 январда Туркиянинг Адана шаҳрида вафот этган[8,Б.137-143].

Туркистон минтақасининг бошқа минтақаларида бўлгани сингари Хоразм аҳолиси ҳам ўз худудининг мусақиллиги учун большевиклар босқинига қарши истиқлолчилик курашини олиб боришди. Ушбу курашга туркманларнинг ёвмут уруғи етакчиси Қурбон Мамед Сардор – Жунаидхон (1857—1938) бошчилик қилди.

Тарихчи олим Қ.Ражабовнинг маълумотига кўра, Жунаидхон номи тарих саҳифаларига мураккаб шахс ва зиддиятга тўла инсон сифатида битилган. Унинг фаолияти ҳам шахсиятидек кескин ва фожеали, зафарли ва қайғули кечган. Олдин чор Россияси ва Хива хонига қарши курашган Жунаидхон 1919 йилнинг ёзидан бошлаб Тўрткўлдаги қизил аскарларга қарши мустақиллик курашини бошлайди. Аммо 1919 йилнинг ноябрь, 1920 йилнинг январь ойларида бўлган шиддатли жанглар натижасида Жунаидхон қўшини қизил аскарлардан мағлубиятга учради. Жунаидхоннинг қароргоҳи Тахта қалъаси 20 январда қўлдан кетди. Қизил армия қўшинлари 1920 йил 1 февралда хонликнинг пойтахти Хива шаҳрини эгалладилар. 2 февралда Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди. Жунаидхон асосий кучларини олиб Қорақумдаги туркман овулларида чекинди. Баъзи мувофақиятсизликларга қарамай Жунаидхон қизил армиянинг босқинчилик сиёсатида қарши ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. Унинг қўшини сафида туркманлардан ташқари ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқлар ҳам кўпчилик эди. Ўзбек деҳқонлари ва ҳунармандларидан иборат дасталарга Мадраимбой, Ота Махсум, Темир Алихон, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилишди. Хусусан, Кўҳна Урганч, Илалли, Тошҳовуз, Манғит, Кўшкўпир, Чимбой, Кўнғирот ва Тўрткўлда ҳаракат қилган ўнлаб сардорларнинг дасталари қизил аскарларга сезиларли зарбалар беришди.1924 йил бошларидан бошлаб Жунаидхон бошчилигидаги 15.000 кишилик пиёда ва отликлар қўшини Хива шаҳрини қамал қилишга киришди. Февраль ойининг бошларига келиб Хива шаҳрига 4-Актюбинск ва 82-Туркистон отликлар полки ва авиа-эскадрильяси, Тошкент ва Тўрткўлдан қизил аскар қисмлари олиб ташлангач, Жунаидхон бошчилигидаги ватанпарварлар қўшини қарийб бир ой давом этган қамални тўхтатиб, орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Жунаидхон 1924 йил 17июнда ўзининг 20 та ҳамроҳи билан Афғонистондаги Ҳирот шаҳрига етиб

келди[11, Б.17-21]. У афғон ҳукуматидан ўз тарафдорларидан 500 кишилик оилани қабул қилишни ва ҳарбий ёрдам беришни сўрайди. Афғон ҳукумати тарафдорларини қабул қилди лекин қурол-яроғ бермади[1, Б.46-47]. Архив ҳужжатларида келтирилишича, у бу ерда туриб ўз кўшинлари сафини тўлдиришга ҳаракат қилган ва вақти-вақти билан Туркманистон орқали Хоразм устига юришларни уюштирган. Айрим танаффуслар билан 1931 йилгача большевикларга қарши кураш олиб борган Жунаидхон ниҳоят Эрон давлатига бутунлай ўтиб кетди ва муҳожирликда ўша ерда 1938 йили вафот этди. Баъзи манбаларда ёзилишича, унинг жасади Эрондан келтирилиб ўзи туғилиб ўсган Тахта туманидаги Бадиркент қишлоғидаги қабристонда яширинча дафн этилган[11, Б.17-21].

Истиклолчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик, бандитлик ёки босмачилик ҳаракати эмаслигини биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Истиклолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг худди ана шу ўзига хос хусусияти ва асосий мақсадини аниқлаб олиш зарур.

Ҳаракатнинг бошдан охиригача бир устувор ғоя ётадики, бу бутун Туркистоннинг миллий истиклоли ва мустақиллиги ғоясидир. Истиклолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб, унда иштирок этувчиларнинг таркиби алмашиб, иккиламчи манфаатлар ўзгариб туришига ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий мақсади Туркистон мустақиллиги бўлиб қолаверади.[11,Б.8].

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлиliga чуқур мулоҳаза билан ёндошсак, муҳожир ўзбеклар ҳаёти ва уларнинг муҳожирликка кетиш сабаблари бўйича чуқур тадқиқот олиб борган олим Ш.Ҳайитов ТАССР, БХСР ва ХХСР ҳудудларидан 1917-1924 йилларда муҳожирликка кетишга мажбур бўлганларни куйидаги тўртта гуруҳга бўлади, жумладан:

1. Абсолют монархия тизими тарафдори бўлган, амир Олимхон ва унга эргашганлар. Амир Олимхон билан бирга Афғонистонга 50 минг хўжалик, 200 минг киши ўтиб кетганди.
2. Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб борган, совет тарихий адабиётларида “босмачилар” деб номланган Туркистон озодлиги учун курашган кишилар.
3. ТАССР, БХСР, ХХСР ҳукумати таркибида ишлаган, кейинчалик советларнинг мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсатидан норози бўлиб хорижга чиқиб кетган сиёсий муҳожирлар.
4. Ёш ҳукуматлар томонидан истикболни ўйлаб хорижий мамлакатларга ўқиш учун юборилганлар ва бутунлай чет элда яшаб қолганлар. [7,Б.32-33].

Ушбу гуруҳларнинг бир гуруҳи айнан совет тарихий адабиётларида “босмачилар” деб номланган Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун курашган кўрбошилар ва уларнинг дасталарига бириккан истиклолчилар

хамда уларнинг оила аъзолари эканлиги ойдинлашади. Тарихий тадқиқот давомида амин бўлдики, ўтган асрнинг 20-30 йилларида бутун Туркустон худудини болшевик босқинчиларидан озод қилиш учун курашган кўрбошилар ва уларга эргашган истиқлолчилик кураши вакилларининг қуролли ҳаракати қамраб олган. Улар совет иттифоқининг тарихимизга нисбатан мафкуравий ёндошуви туфайли “босмачилик” ҳаракати вакиллари сифатида қораланган. Аслини олганда бутун истиқлолчилар она ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида кураш олиб борганлар. Қаттиқ ва узок давом этган курашлардан сўнг кўрбоши дасталарининг аксар кўпчилиги қўшни Афғонистон худудига ўтиб кетишга мажбур бўлишган. Уларнинг ушбу давлат худудига ўтишининг асосий сабаби дарёнинг ҳар иккала томонидаги халқларнинг дин ва миллат бирлиги бўлиб, маълум вақт ушбу худудда ватан озодлиги учун қайта куч тўплашва яна Туркистон тупроғига ўтиб қайта курашга киришиш ҳисобланган. Бунда улар маълум маънода Ҳиндистон худудидаги инглизлардан ҳам кўмак излайди. Умуман олганда истиқлолчилик кураши вакилларининг бир қисми Туркистон худудига қайтиб курашни давом эттирган бўлса яна бир қисми бошқа Шарқ мамлакатларига чиқиб кетди. Бунга сабаб Афғонистондаги ҳокимият ўзгаришлари ва афғон ҳукуматининг мухожирларга гоҳ ижобий, гоҳ салбий муносабати бўлган. Яна бир қисми эса (асосан уларга эргашган оддий халқ вакиллари) Афғонистон худудида қолиб бу ердаги ўзбек, тожик ва туркманлар нуфусининг янада ўсишига сабаб бўлган. Афғон ҳукуматининг сиёсий мухожирларга хусусан, туркистонлик кўрбошилар ва уларнинг қўл остига бириккан йигитларнинг кейинги ҳаёти, сиёсий мухожирлик тарихини, шунингдек, уларга эргашган оддий халқ вакилларининг Афғонистондаги кейинги тақдирини янада кенгроқ ўрганиш тарихимизда алоҳида тадқиқот иши сифатида ёритилиши керак бўлган истиқболдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:/ REFERENCES

1. Ҳайитов Ш.А. Ўзбек мухожирлиги тарихи (1917-1991 йй.). – Тошкент, “ABU MATBUOT KONSALT”. – 2008. – 208 бет.
2. “Маърифат нури”, 1999 йил 15 август.
3. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. Ватанжудоликнинг мунгли тарихи. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 188 бет.
4. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. (Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўз боши ва айрим изоҳлар муаллифи – проф. Ҳ.Тўраев) – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2004. – 127бет.
5. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ўзбекистон – бизга ҳам Ватан... . Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2006. – 158 бет.
6. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, - 2007. – 103бет.
7. Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М.. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. Монография. – Самарқанд, “MEHRIBON-POLIGRAF SERVIS”, 2015. – 159 бет.

8. Ражабов Қ.К., М.Ҳайдаров. *Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар)*. – Тошкент: “Университет” нашриёти, 2002. – 167 бет.
9. Хашимбеков Х. *Ўзбеки Северного Афганистана*. – Москва, 1994. – 56 с.
10. Назаров Н. *Афғонистон ўзбеклари*. - Тошкент, 2011. – 127 б.
11. Ражабов Қ.К. *Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йиллар)*. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2000. – 31 бет.
12. Ражабов Қ.К. *Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар)*. – Тошкент: “Маънавият” нашриёти, 2002. – 144 бет.
13. Ҳайитов Ш.А., Бадриддинов С. *Ватан дея, ватансиз қолганлар*. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. – 159 бет.
14. Ҳ.Бобобекова. *Тарихнинг аччиқ ҳақиқатлари*. // Турон, 1993 йил, май; 16-17 б.
15. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. *Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлар (1920 – 1924 йй.)*. – Бухоро, “Ҳоқуб Довуд”, – 2004. – 77 бет.
16. Шодмон Ҳайитов, Садриддин Бадриддинов. *Бухоро тарихидан лавҳалар (XIX-XX асрлар)*. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, - 2007. – 103-бет.
17. Амир Саййид Олимхон. *Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форс тилидан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи – Абдусодиқ Ирисов*. – Тошкент, “Фан” нашриёти. – 1991, 21 – бет.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Қ” ҳарфи. А.Матвалиев таҳрири остида. – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. – Б-413. ҚЎРБОШИ тар.
1. Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликлари ва айрим шарқ давлатларида: дастлаб шаҳарни тунда кўриқловчи миршаб; сўнгра қурол-яроғ омбори (қўр) мутасаддиси ҳамда қурол-аслаҳа, турли яроғлар ва тўп яшашустахоналари (қўрхона) бошлиғи. 2. Туркистон ўлкасида Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда маҳаллий полиция бошлиғи; миршабларнинг бошлиғи. 3. Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатҳарбий раҳбарларининг унвони.
19. Назаров Н. *Муҳаммад Иброҳимбек Лақай*. – Т.: ИФИАК, 2006. – 408 б.
20. Ушбу маълумотлар тадқиқотчи Насириддин Назаровнинг Қундуз минтақасида истиқомат қилувчи 67 ёшли Ҳожи Мамедислом Ҳожи Ғоибназар ўғли билан шахсий суҳбати (дала тадқиқоти) асосида ёзиб олинган. Агар 4,5 жириб бир гектар деб олинадиган бўлса, бу ўрта ҳисобда тўрт минг гектар ер бўлади.
21. Амир Саййид Олимхон. *Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Форс тилидан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи – Абдусодиқ Ирисов*. – Тошкент, “Фан” нашриёти. – 1991, 21 – бет.
22. Абдуллаев К.Н. *От Синьцзяня до Хорасана. Из истории среднеазиатской эмиграции XX века*. – Душанбе: “Ирфон”, 2009. – 572 с.
23. ОГПУ – Советларнинг Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси бўлиб, 1923-1934 йилларда фаолият олиб борган.

МУНДАРИЖА:

<i>1 ШУЪБА: ЕВРООСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ, ЎРТА АСРЛАР, ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВРИДАГИ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИ</i>	
Кириш сўзи	4
А.А.Аскарров, Н.А.Аванесова. Сапаллинская культура в системе Евразийских древностей: контакты и культурные взаимодействия	6
А. С. Зуев. Политика Российского государства в отношении народов Сибири в конце XVI – начале XVIII в.....	16
О.П. Кобзева, Н. А. Вансова. Межкультурные коммуникации Согдийцев с Китаем в древности и средневековье	21
С.И.Филиппов. Взаимодействие с национальными элитами как стратегия управления Российской империей и СССР	26
Ф.А.Ахмедшина. Укрепление культурно-гуманитарных связей Узбекистана и Китая в рамках ШОС	30
А.Т. Акматалиев, Д.Б. Уринбоев. Проблема культурных и нравственных отношений народов Центральной Азии	36
Н.А.Кузиев. Возобновление интереса к Великому шелковому пути	40
Ф.Х. Ахмуродов. Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё давлатлари билан терроризм ва экстремизмга қарши курашишдаги ўзаро ҳамкорлиги (1991-2021 йиллар).....	43
Р. Холмуродов, Д. Холмуродов. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида	47
Н.И. Каримова. Изучение истории торговли специй и пряностей на Великом шёлковом пути: историография и методологические подходы...52	52
У.К. Мамарасулов. Дипломатические и торговые отношения Бухарского ханства с русским государством в XVI-XVII вв.	56
Ж.О.Саидов, Л.С.Бурхонов. Уструшона тарихида Буюк ипак йўлининг тутган ўрни хусусида.....	61
З.А.Камалова. Культурная сфера в рамках ШОС на перспективной основе.....	64
Н.А.Дониёров. Уструшонанинг транзит савдо йўллари ҳақида (Нурота тоғи мисолида).....	67
М.Х. Саъдуллаева. Россия империяси ва Қўқон хонлигининг дипломатик алоқаларига доир.....	71
Қ.Абдушукуров. Евроосиё маданий алоқалари тизимида Ўрта Осиё тарихий географик ҳудудларининг тутган ўрни хусусида мулоҳазалар.....	75
Д.В. Алиназарова. Вопросы источниковедения в изучении истории печати Ферганской долины.....	78
И. Х. Райимжонов. Қадимики Фарғона (Давон) шаҳарларининг Буюк ипак йўли фаолиятида тутган ўрни	83

II ШУЪБА: ТАРИХНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИЯ, ЭТНОГРАФИЯ, ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
Б.Х.Матбобоев. Фарғона водийсида ҳарбий қурол-аслаҳалар тарихига доир (милоддан аввалги VII – милоднинг VIII асрлари).....	86
М.Хасанов. Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари.....	94
Б.Ж. Эшов. Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарсозлик тарихидан (Фарғона водийси мисолида).....	100
М.Х. Пардаев. Қалиятапа - қадимги Жиззах воҳасининг йирик шаҳар маркази.....	109
Б.С. Ғойибов. Суғдий тилдаги иқтисодий ҳаётга оид атамалар.....	117
Г.А. Агзамова. Бухоро хонлиги ҳунармандчилик тарихини ўрганишда расмий ҳужжатларнинг ўрни	122
Ф.Э. Тошбоев. Чаёнли мозорқўрғонидаги от билан боғлиқ дафн маросимлари ҳақида	128
А.М. Омонов. Туркменистоннинг илк палеолит даври ёдгорликлари: тош индустрияларнинг техник- типологик хусусиятлари ва маданий хослиги.....	133
Ҳ.Эгамберганов. Қалтаминор ва унга қўшни ҳудудлар неолит жамоаларининг маданиятлари	136
Х.Б. Хошимов, А.Ю. Ражабов. Оёқоғитма-2 неолит даврининг янги макони.....	141
О.Р.Назаров, С.Холиқов. Хоразм воҳасининг ўтмишида Қалтаминор маданиятининг тугган ўрни.....	144
З.Н.Холматова. Неолит жамоалари маданий алоқаларида сопол ҳунармандчилигининг ўрни масаласи (Қалтаминор сопол идишлари мисолида).....	148
О. А.Абдиғаппаров. Ўзбекистон тош даври жамоаларининг маданий алоқалари ҳақида.....	153
Н.А.Халилов. Изучения история палеолита среднего Зарафшанского оазиса.....	157
Д.Р. Нормуродов, А.К. Константин. Чорвоқ сув омбори ҳудудидан топилган Қовунчи маданиятига оид қабр хусусида.....	162
Б.И.Исабеков. Оҳангарон дарёси юқори оқимидаги қадимий мозор-қўрғонлар.....	165
Б.Болиев. Марказий Осиё шишасозлиги ва қоплама безак сир ҳақидаги ёзма манбалар.....	171
С.Б. Маматалиева. Ўзбекистон археологиясида шиша ва шиша мунчоқларнинг ўрганидиши.....	176
И.С. Жолдасов, М.Қ. Эшқувватова. Илк ўрта асрларда Чоч	179
Ф.Б.Қамолитдинов. Қадимги Хитой манбаларида Марказий Осиё ёритилиши.....	181
Б.Б.Тугалов. Қадимги Уструшона ҳудудидаги қабр иншоатлари	186
Г. Самадқулова. Қоятош суратлари хайвонот олами тарихини ёритувчи манба сифатида.....	189

А.Н.Сандибоев. Ёркат рустокининг тарихий топографияси хусусида.....	191
Р. Ньматов. Илк ўрта асрлар Хоразм воҳаси танга пул тизими ҳақида.....	198
Б.П. Садуллаев. Г.П. Снесарев тадқиқотларида чап қирғоқ Кат-қалъа тарихига доир этнографик маълумотлар.....	201
А.Х. Пардаев. Евроосиё Лўлилар тарихидан.....	207
Ф.Ш. Ақчаев. Жиззах воҳаси аҳолисининг этник таркиби хусусида.....	211
Х. С. Жуманазаров. Ўзбеклар дунёқарашида табиблар таснифи.....	220
Р.Р. Нуркулова. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фронт ортидаги жасорати.....	226
А. Болтаев. Туркистонда пахтачиликнинг ривожлантириш сиёсатининг Россия тарихшунослигида ўрни.....	230
Ҳ.Э. Норқўчқаров. Туркистонлик истиқлолчилик кураши вакиллари (қўрбошилар) нинг Афғонистондаги мухожирлиги ҳақида (XX аср 20-30 йиллари).....	236
Г.И.Мўминова. Кулоллик идишлари Уструшона тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида.....	254
Қ.Алманов. Жиззах воҳаси аҳолисининг бола туғилиши билан боғлиқ маросимлари ҳақида.....	258
С.Б.Абдуқодиров. Жиззах воҳаси гиламдўзлигида нақшларнинг рамзий маънолари ва семантик таҳлили	266
Л.Н. Мухаммадиева. Туркистон ўлкасида дастлабки ҳарбий-даврий наشرларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти	274
О.Ҳ. Жайнаров. Туркистон Республикаси адлия органлари манбашунослигига доир (1918–1924 йиллар).....	277
А.А.Назаров. Афросиёбда қорахонийлар даври металлургия равнақи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	281
И.Хидиров. Суғд воҳасидаги сиёсий тарих масалалар.....	286
Д.З. Олимжонов. “Бобурнома” асарини ўрганилиш тарихшунослиги.....	291
Б.Н.Мирзаев, Ж.Б.Умаров Абдуллахон Иккинчи фаолияти хусусида баъзи мулоҳазалар.....	294
А.Х. Валиев. Совершенствование правовых основ занятости населения в обновленном Узбекистане.....	298
Ж.А.Пардаев. Жиззахлик иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари.....	303
Р.М.Қодирова. Ўзбекистон ССР да халқ таълими тизими (1917-1930 йилларда)	306
Т.Қ.Қозоқов. Ахсикент археологияси тарихшунослиги ва унинг манбашунослик таҳлили	309
А.А. Грицина, К. А.Раҳимов. Эски Ховоснинг ривожланган ўрта аср симоб кўзачалари хусусида айрим мулоҳазалар.....	313
А. А. Речкалова. Морской Шелковый путь: товарообмен между японским архипелагом и танским двором после прекращения официальных отношений.....	318
А. Холматов. Жиззах воҳаси қоятош расмлари ишланиш техникаси.....	323

**“ЕВРОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЙ МЕРОСИ:
ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МУАММО ВА
ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ”**

*ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ*

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ «КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ
НАРОДОВ ЕВРАЗИИ: СОВРЕМЕННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОБЛЕМЫ И МЕТОДЫ
ОБУЧЕНИЯ»**

*INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE*

**“ON THE TOPIC CULTURAL HERITAGE OF
EURASIAN PEOPLES: MODERN RESEARCH,
PROBLEMS AND LEARNING METHODS”**

Муҳаррир: **М.Жўрабоев**

Техник муҳаррир: **С.Нормухаммедов**

Таржимон: **Н.А.Дониёров**

Мусахҳиҳа: **Г.Кодирова**

Саҳифаловчи: **Ж.Муртозоев**

Гувоҳнома № _____, 20.04.2020 й.

Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 20.10.2022.

Формат 70x108 1/16. Гарнитура «Times New Roman».

Босма табоқ 22.0 Адади 50 нусха. Буюртма № _____.

«Жиззах ДПИ Таҳририй-нашриёт бўлими».


130002, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4.

Тел./факс: (+99872) 226-02-93

www.jspu.uz

ДЖИЗАК, УЗБЕКИСТАН

20 октябрь 2022



www.jdpu.uz